

Муҳаббат Равшанова

ҲАҚИҚАТ ҲАМ ҲАҚ

Alon o'chi



Муҳаббат РАВШАНОВА

+79266883387

ИЛОН ЎЧИ

Ҳикоялар

Катта

«Ниҳол»
Тошкент-2007

Равшанова Муҳаббат

Илон ўчи. Ҳикоялар/

Тошкент: «Ниҳол» нашриёти, 2007. 48 бет

Кўлингиздаги китобчада жамланган битиклар, бадий ҳикоялар тўқима эмас. Кундалик ҳаётнинг ўзидан олинган лавҳалар. Муаллиф ўзи кўрган, гувоҳи бўлган, таниш-билишларидан эшитган воқеаларни қаламга олар экан, умумлашма, хулоса чиқаришга, ҳаёт фалсафасини топишга ҳаракат қилган.

ISBN 978-9943-334, 334-17-5

«Ниҳол» нашриёти, 2007

ҲИКОЯЛАР

СУЛУВ

Сарвар момо, мана неча кундирки, бемор, қимирламай ётарди. Бугун ўзини анча тетик сизди. Иккала кундош келини уни истагига кўра ҳовли четидаги тутнинг соясига кўйилган сўрига олиб чиқиб ётқизди.

Сулувнинг бу хонадонга келин бўлиб тушганидан буён кўп йиллар ўтди. Лекин гўдакни эркалашга зор. Эри Суюнбой - онасининг ёлғиз ўғли. Қайнона ва эри Сулувнинг сулувлигию оқилалиги учун ундан воз кеча олмайдилар. Устига бошқа хотин олиб беришни ҳам онаси келиннинг шу хислатларини ўйлаб эп билмасди. Бир куни супа устида она ўғлига: “Ортимдан изим қолмайди, деб эзиламан-да, болам” - деганини эндигина супага яқинлашган Сулув эшитиб қолди. Кечқурун кўрпа қавиб ўтирган келин: “Эна, мен - розиман!..” - деди ишидан кўз узмасдан. Момо зийрак эмасми, гап нимадалигини дарров англади. Келинининг қўлларига ногоҳ кўзи тушди-ю “Болам, болам-а, сенга кундошликни раво кўрган тақдирга ўт кетсин! Қўлингга қарамайсанми?” - деб йиғлаб юборди. Ажаб, бахтга куйиш шунчалар бўлармикан. Розилигини айтиш учун зўрға журъат тоилганида ўрта бармоғининг учидан игнани ўтказиб олибди ҳамки, зийрича оғриқ сезмабди.

Тўп ҳам бўлиб ўтди. Сулув Умақайдан бўлса, кундоши Қўчқорбулоқнинг ўзидан эди. Анча муддатдан сўнг эри яна савдо ишлари билан жўнаб кетди. Кексалик сабабми ё бошқами, ишқилиб, момо бир неча кундан буён бетоб. Қайнонасини ётқизиб қўйишганидан сўнг Сулув нон ёпиш учун тандирхонага қараб кетди. Аввал шох-шаббаларни қалаб, олов ёқди. Тандирдаги олов тобига келгач, қўлидаги косов билан чўғларни бир жойга тўплаб, ичкаридан ясалган нонларни олиб чиқди-да, бирин-кетин тандирга ёпа бошлади. Ишини тугатгач, тандир оғзига қопқоғини қўйди. Қайнонасининг супада бир бурда бўлиб ётганига қараб юраги эзилди. Эсиз энам. Бир пайтлар қандай аёл эди?! Катта савдо ишлари билан узоқлардан мол олиб келар, манаман деган эркакларга гап бермасди. Эри ёшлигида қазо қилиб, оиланинг ширин таъмини тўйиб тотолмаган бечора аёл ўзини савдо билан чалғитган. Узоқлардан олиб келган асл молларнинг энг олдини, ҳали қишлоқдаги бирорта келинчакнинг эғнида бўлмаган кийимларни аввал Сулувга берар, уни ўз қизидай суярди.

Тандир ичида ноннинг “туп” этиб тушгани эшитилди. Шошилиб қопқоғини кўтарди-ю нонни қўлига олиб, “пуф-пуф”лаб артиб, ёнидаги саватга солди. Кетма-кет қизариб пишган нонларни олиб саватга жойлади-да, ичкарида кундоши ёзиб қўйган дастурхонга териб, иккита иссиқ нонни дастурхонга ўраб олганча момо ётган супага яқинлашди. Ухлаётган экан. Уйғотишга кўзи қиймади. Супа четига секингина ўтирди. Кўзи четда турган косадаги сувга тушгач, қаттиқ чанқаганини ҳис қилди. Энди узалиб сув ичмоқчи бўлганида момо кўзларини очди. “Сувни ичма, қизим. Хув анави гужумнинг тагига тўк!” - деди. Ҳайрон бўлган Сулув қулоқ қоқмай айтилган ишни бажарди. Қайтиб жойига ўтирганида момо гапида давом этди: “Сулув, эртага ўша жойга бориб қарайсан, хаҳ болам-а!” - дея чуқур хўрсинди. Эртасига яна қайнонаси Сулувни чақириб сўради:

- Кўрдингми, қизим?

- Ҳа, эна, ер кўкариб, кўтарилиб кетибди.

- Сенга кундошликни раво кўрган тақдир бунчалар шум бўлмаса, Мен энди розиман. Айб ўғлимда экан. Майли, сен бошқа турмуш қил. Этак-этак фарзандлар кўр. Мен сенинг дуои жонингни қиламан. Барча бисотларингни ол!

Эртаси куни хабар етгани сабаб акаси аравада уни олиб кетгани келди. Сулув келинлик уйидан бирор нарса олишни истамди. Фақатгина қайнонасининг қийин-қистови билан бир сиқим тилло тақинчоқларинигина олиб, аравада кўзида ёш билан ота уйига қараб аста-секин чайқалиб борарди.

Бу - бир тарих. Шундан сўнг дунёда қанча ўзгаришлар бўлиб кетди. Сулув бошқа турмуш қурди. Бир этак болаларга она бўлди. Лекин ҳамиша марҳум қайнонасини эсларди.

ИЛОН ЎЧИ

Назар қўшниси Акмал билан ҳовлисининг нураб қолган деворларини то пешингача лойшувоқ қилиб битириб қўйди. Тушлик устидан иссиқ чой ичиб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирганларида ичкарига отилиб кирган Анбарой тили калимага келмай остонада қотиб туриб қолди.

- Нима бўлди, онаси? - ҳайратланиб сўради Назар.

- О-ошхона деразасида илон, б-бошқача экан!..

Шошиб ўрнидан турган Назарга Акмал ҳам эргашди. Ҳақиқатан ҳам деразада узунлиги ярим қулочу лекин анча йўғон қоп-қора илон ойнадан ичкарига тушган офтоб нурида товланиб ётган экан. Тангалари қизиқ ялтирайди, бошида оппоқ тожсимон пат.

- Бу бошқача илон, отаси. Индамасак, яхши, - деди Анбарой орқага тисланиб.

- Кетмаса-чи? Нима қиламиз. Ранги ҳам қора экан. Сен айтган илон оппоқ бўлади. У “уй илони” дейилади.

Кел, бирор нарса билан ўлдирамиз, - гапга қўшилди Акмал.
- Онаси, бор, кетмонни олиб кел! - Эрига гап қайтариб ўрганмаган аёл, оқибати ёмон бўлишини кўнгли сезиб турса-да, индамасдан кетмон олиб келиш учун ҳовли бошига йўл олди.

Назар бор кучи билан кетмонни илоннинг танига урганида ҳар томонга тирқираб қон сачради. Буни кутмагани боис учаласи ҳам бирдан “воҳ, воҳ”лаб юборишди. Беихтиёр сесканиб, бир-икки қадам орқага чекинган Назар икки жойда тўлғаниб ётган икки бўлак илонни майда-майда қилиб чопиб ташлади.

Хотини олиб келган эски синиқ тоғорага илоннинг қиймаланган жасадини солиб, ҳовли бурчагига кўмиб ташлади. Ўша куни катта ола сигири тоғдан келди-ю жойидан туролмасдан, икки кун чўзилиб ётди. Болалари Илҳом дўхтирни айтиб келишди. У сигирнинг касалига бирор нарса дея олмай, калласини ликқиллатганча анча туриб қолди. “Ҳайронман” деганча ичириш учун дори бериб кетди. Фойдаси бўлса қани, учинчи куни тонгда туриб қарашса, сигир ҳаром қотибди. Кетма-кет кўйларининг бир-иккитаси ҳам ўлди, қолган битта сигири ўз-ўзидан сутдан қолди.

Энг даҳшатлиси кейин бошланди. Бир кун тонгда эндигина уйқудан уйғонган хотини кўзини очиб додлаб юборди. Уй бурчагида иккита илон улар томонга судралиб келарди. Эр-хотин деразадан чиқиб қочишди. Шу куни болалар ҳам ҳовли бурчагида катта илон жасади кўмилган жойда тўртта илоннинг қўлча бўлиб ётганини кўришгач, ҳаловатлари бутунлай йўқолди.

Бу хабарларни эшитган Назарнинг онаси Ҳанифа хола ҳаллослаб етиб келди-ю ўғлини шу қишлоқлик нафаси ўткир Раҳмат муллани айтиб келишга юборди.

Мулла келгач, эскича китоблардан бирини очиб кўйганича узоқ вақт жим қолди. Бир нималар деб пичирлаб, юзига фотиҳа тортгач, Назарга қараб гап деди:

- Ўғлим, сиз илонни ўлдирдим, деяпсиз. Жониворни ўлдириб, хаго қилгансиз. Сизга шу илон билан бирга Яратган шго эгган насиба келаётган экан. Агар шундай қилмаганингизда шу йил ичида жуда оғир беморларни ҳам даволий оладиган табиб бўлардингиз, эсиз. Энди эҳтиёт бўласиз. Бу жониворлар сизни безовта қилаверади. Келин, сиз бир косада сув, бир косада ун олиб келсангиз, дуо ўқийман.

Олиб келинган нарсаларга бир соатлар чамаси “куфсуф”лаб дуо ўқиган Раҳмат мулла кўлидаги Курьон китобини ҳам Назарга бериб кетди. Ўқилган нарсаларнинг ёнидан жилмасликни, асосийси - Курьонни ҳар доим ўзи билан бирга олиб юришни, шунда илон унга даф қилишга ботинолмаслигини тайинлади.

Шу оқшом тинч ухлаган Назар, кейинги кун тунда уй шифтида очилиб турган илонни кўриб, гўё ҳозир устига тушадигандек, жонҳолатда ёнбошига ағдарилди. Туни билан ухлай олмади. Кундузи ҳовлидаги ток соясига кўйилган чорпояда бир пас кўзи илингандек бўлди ва туш кўрди. Тушида ўзи ўлдирган ўша катта илон бутун танасига ўралиб олиб, бўғар эди. Ўзини ҳар томонга отиб, жойидан сапчиб турса, туши экан. Атрофига қараса, хаёлида ҳар томондан илонлар бостириб келаётгандек туюлаверди. Шунда у хотини ва болаларининг “ҳай-ҳай”лашига қарамай, ҳовлисида ялангоёқ югуриб чиқиб кетди. Шу кетишда онасининг ҳовлисига кириб борди. Кўнглида бу ерга илон келмайдигандек. Болалигида ўзи ётиб юрадиган хонага кириб, эшикни маҳкамлаб олди. Ташқаридан укаси овоз берди:

- Ака, эшикни очинг, мен ёнингизда ўтираман.

- Ҳа, Ботир, кел! Жонга тегиб кетди-ку бу илонлар. Қаерга қочишга ҳайронман.

- Энам яна Раҳмат мулланикига кетгандилар. Ҳализамон келиб қолишади.

У гапини тугатар-тугатмас, эшикда онаси билан мулла кўринди.

Қисқа салом-алиқдан сўнг мулла гап бошлади:

- Назар, эскидан бир гап бор. Ким шундай ҳолга тушиб қолса, тўрт сув ўтиб кетсагина илон балосидан қутулади. Сизда ҳам фақат шу йўл қолди. Бўлмаса, жонингиз омон қолиши даргумон.

Шу куннинг ўзидаёқ эр-хотин болалари билан кўшни тумандаги қариндошлариникига йўл олишди. Шу жойдан ер олиб, кичкинагина кулба қурдилар. Барча мол-мулкларини кўчириб келишди. Лекин энг керакли нарса - оиладан барака “қочди”. Кейинроқ Назарнинг чап қўлли ва чап оёғи ишламай, тўшакда ётиб қолди. Рўзгорнинг барча ташвишлари Анбарой билан болалари зиммасига тушди. Қаерлардандир суриштириб топилган табибларнинг тинимсиз уринишлари билан шалвираб қолган чап томонига анча жон энгандек, ҳамон давом этаётган тунги алаҳсирашлари барҳам топгандек бўлди. Аммо у аввалги Назар эмас эди.

Увола бўлган умр

Саратон. Узоқларда канал ичини тўлдирганча сув тўлғаниб ва лойқаланиб оқади. Эшакка иккита катта сув идишни ортиб олган Бибинор тупроқ кўча бўйлаб боради. Қизнинг бошида қизил дуррача. Сочларини иккита қилиб ўриб, рўмолча билан тутиб олган. Дутоналари баъзида: “Сен ўзингга эътибор бермайсан-да, аслида жудаям латофатлисан, Бувиш”, - дейишади ҳавас билан. Қиз бундай лутфларга бепарвогина жилмайиб кўяди.

Эртага Бибинорнинг тўйи. Куёв шу қишлоқдан. Аммо қиз тўйга умуман рози эмас. Ўғайлик дарди қурсин. Ҳамма ишни ўғай онаси битирди. “Бечора Бибинор, қандай чидаркин?” - дейишди эшитганлар.

Кўча четидаги девор билан ўралган ҳовли ортидан шундоққина шохлари тарвақайлаб чиқиб турган катта

дарахтда какку сайради. Қиз санай бошлади: “Бир, икки, уч.. ўн саккиз... “Қуш бирдан жим бўлиб қолди. Кўнгли ҳижил тортди. “Йўғ-эй, мен кў-ўп яшашни истайман”, - ўйлади қиз йўлида давом этар экан.

Уйларига яқинлашганида холасининг эндигина эшикдан кираётганига кўзи тушди. Хурсанд бўлганидан югуриб бориб кучоқлаб кўришди.

Кечқурун ишларини саранжомлаб, ёлғиз қолганида холаси секин гап бошлади:

— Болам, қиз боланинг иши шу. Бу ерда ҳеч қачон рўшнолик кўрмайсан. Тезроқ эрга тегиб кет, тинчийсан. Ҳарқалай, ўз уйинг, болаларинг бўлади.

Бечора қандай қилсин: Абдусамаднинг хулқ-атворини яхши билса. Бунинг устига фирт бекорчи. Кўра-била туриб ўзини ўтга ташлаяпти. Аммо нима бўлганда ҳам ўртада нон синдирилган. Отаси лафз қилган.

Хуллас, тўй бўлди. Қишлоқдаги бошқа тўйлар каби ортиқча дабдабаю ваҳималарсиз, ихчамгина. Уйда иккита қайинсингил ва икки қайинука, қайнота, қайнона ва эри. Келин бўлиб тушгач, икки ойдан сўнг уларни кўчириш мақсадида тоғнинг шундоққина биқинидаги катта оталаридан қолган уйни бошдан-оёқ таъмирлашди. Бибинор, эри Абдусамад, қайинсингил ва қайинукалари - ҳаммаси бирдан енг шимаришди. Бибинор лой ишида ҳам, уй ишида ҳам унча-мунча эркакларни йўлда қолдирарди. Фақат эри - пича ланж одам. Аввалига энасининг зуғумидан чўчиб, бош кўтармай ишлади. Кейин дангасалиги тутди. Кўпроқ лой ҳандак тепасида керилиб, кўлини белига қўйиб олиб, ёки бўлмаса, тўртта ходани ерга қоқиб тўрт бурчагига каноп қоғлар уламасидан қилинган чайлада чўзилиб ётгани ётган. Ҳалиям, барака топгур, икки ука билан икки сингил яхши. Бош кўтармай жимгина ишлашди. Тушлик яқинлашганида уйдан олиб келинган майда-чуйда озиқ-овқатдан шу ернинг ўзида бирор егулик пишириб кўя қолишди.

Мана, уйнинг таъмирини ҳам битказиб бўлишди. Мўъжазгина тандир-ўчоқ ҳам қўлдан чиқди. Тез орада эр хотин ўз кулбаларига кўчиб чиқишди. Энди бир боши иккита бўлган Абдусамад оилага пул топиши керак. Оила катталари қишлоқ кайвонилари билан маслаҳатлашиб, одамларнинг қўй-қўзиларини боқиш учун Абдусамадга олиб беришди. Абдусамад таёғини судраб эрталабдан тоққа чиқиб кетади. Кечқурун “уф-уф” лаб қайтиб келади. Бир куни тонг коронғусида тандирдан иссиқ нонларни “узиб”, уйга олиб кираётган хотинини чақирди.

— Хотин, бугун қўйларни сен тоғда ўтлатиб келасан. Ўзинг яхши биласан қаерларга олиб боришни. Менинг бошим қаттиқ оғрияпти. Ҳозир қишлоқдан чиққан қўйларни тўплаб, сал наригача ҳайдашаман. У ёғига ўзинг бора-верасан!..

Хуллас, шу кундан бошлаб Бибинорнинг чўпонлик ҳаёти бошланди. Эрта туриб, уй юмушларини бажаради. Улгурмаганларини кечқурун келиб қилади.

Бундан эрининг ота-онаси хабар топди. Уларнинг ўрта-сида шундай гап бўлиб ўтди:

— Ўғлинг битта ишни эплотмаяпти. Куни билан ётиб ухлайди, кечқурун бекорчиларга қўшилиб қартабозлик қилади. Қўйларни Биби боқиб келаётган экан.

— Нима бўпти. Уй қилиб берган бўлсам. Болам тинмай ишлади... Келиннинг уйда нима иши ҳам бор. Боласи бўлмаса этагидан тортадиган. Индаманг, ўзлари нима қилса, қилаверишсин, — деди хотини эрига.

Шу орада Бибинор “юкли” бўлди. Бошқоронғуси оғир кечди. Кўнгли айниб, бошини кўтаролмасдан ётиб қолди. Эрининг иши яна ўзига қолди.

Ота бўлиш ҳақидаги хабар Абдусамадга ёқиб тушди. Илгариги тундлиги озроқ йуқолгандай. Бу орада хотинининг бўйидаги ҳомиласи етти ойлик бўлиб қолди. Бир куни тоғдан чарчаб келган эр хотинига:

— Овқатингни тезроқ олиб кел. Қорним жуда оч,— деди.
— Ҳозиргина қозон осдим, — дея жавоб берди хотини.
— Сен куни бўйи нима қилиб ўтирасан, ишинг ҳеч унмайди,— дея бир шапалоқ туширди.

— Нега урасиз, ёзиғим нима? Сизга тили-жағим теккани йўқ-ку!

— Тили-жағинг тегиб кўрсин, нима қиларкинман, — деди эр. - Бўлди, ҳали туғишингга икки ой бор. Қўйларни бирор ой сен боқасан.

Бибинор эртасидан бошлаб яна тоққа чиқа бошлади.

Кунларнинг бирида қишлоқдошининг совлиғи тоғда кўзилаб, уйга кўзичоғисиз қайтганча маъраб, дунёни бузди. Эгаси келди. Эр-хотин ва ҳамқишлоқ - учовлари тоғни айланиб ахтаришди. Кўзичоқ йўқ. Ерга кирганми, осмонга чиққанми, йўқ. Қайтарда қўйнинг эгаси Абдусамадга “Ака, янгамни қийнаманг, ўзингиз ишласангиз, бўлмайдами. Бечора оғироёқ бўлса”, - деди.

Жаҳл отига минган Абдусамад хотинини “ҳе” йўқ, “бе” йўқ калтаклай бошлади. Аёлнинг қанча жони бор. Ўзи ҳам, боласи ҳам увол кетди...

Кейинроқ холаси ўн саккиз ёшида нобуд бўлган жонжигари, опасидан қолган ёлғиз ёдгори Бибинорнинг: “Жон, холажон! Отамга айтинг, мени ажратиб олсин. Куёвингиз ўлдириб қўяди”, - деб ялинганлари сабабини англаб етди. Лекин оилани бузиб ҳам бўлмасди, ахир, мусичанинг инини бузиш ҳам гуноҳи азим эканини яхши билган хола бунга журъат этмаганди.

ЁРИШГАН ЮРАК

Феруза кўча эшигидан кириб келганида онаси ҳовлида сугир соғаётган эди.

— Ассалому алайкум, ойижон! Бугун келишимни билардингиз-ку, бир пас шошмай турсангиз, ўзим соғардим, - деди Феруза.

— Бўлди, — Ойгул хола шундай деб жойидан тургач, она-бола бир-бирларининг кучоғига отилишди.

— Мана буни уйга олиб кира қол, — Ойгул хола ердаги челаққа ишора қилди. Она кўнгли ҳар нарсани дарров сезади. Бир қарашда ўз жигарбандининг аҳволини билиб олади. Хола ҳам қизига боқиб, кўнгли ёришди. “Туф-туф”, ёмон кўздан ўзи асрасин”, - деб қўйди ичида. Кечкурун чойдан сўнг гап бошлади.

— Феруза, кеча пастки қишлоқдан совчи келди. Ўғли шаҳарда ўқир экан. Отаси билан отанг қадрдон. Шунга ишонишган шекилли, онаси қариндошлари билан келди. Отанг рози. Лекин сенинг кўнглингга қараш нияти йўқ эмас. “Хўп”, - десанг, кейин тўй, қизим.

— Ойижон, мен турмушга чиқишдан кўрқаман.

— Нега? — чўчиб кетди она.

— Опам-чи? - Ферузанинг кўзларида ёш гилтиллади. Эртаси куни яна Фарҳодларникидан совчи келди. Қиз меҳмонларнинг олдига чой-нон олиб киришдан бош тортди.

Меҳмонлар кетгач, Ойгул хола Ферузани олдига чақирди.

— Жон болам, қиз бола, эртами-кечми, бировнинг хасми ҳалоли. Онаси: “Мен ўқиганларга ҳавас қиламан, молимни сотиб бўлса ҳам келинимнинг ўқишини давом эттиргизаман”, — деяпти-ку! Бундан ташқари, келаси йил битирасан, буёғи кам қолди, — деди қизини кўндириш ҳаракатида.

— Ишонманг, эрга тегмайман!

Аслида Феруза бундай дейишига опасининг ҳаёти сабаб. Опаси эндигина биринчи курсда ўқиб юрганида курсдоши Муродга кўнгил қўйди. “Ўлдим-қуйдим” авжига чиққанида Муродникидан совчилар келди. Бўлажак кўёвнинг узоқ Хоразмдан эканлигини учун отаси рози бўлмади. Совчилар тўртинчи бор келганларида Дилноза онасига: “Тегсам, фақат Муродга тегаман”, деганини

эшитган ота оғир бир хўрсинди-да, хотинига қараб: “Менку розиман, лекин қизингнинг борар ери узоқ, иссиқ-совуғи бор... Майли, ёқтирган бўлса, мен нима ҳам дердим, бахтли бўлишсин, ишқилиб,— деганча кетмонини елкасига ташлаб далага йўл олди.

Тўй ҳаракати тезлашиб кетди. Икки ёш иккинчи курсни тугатишганда тўй бўлди. Дилнозанинг шу кунлардаги кувончини кўрган одам ҳайрон қоларди. Ўзиям бир гапириб, ўн кулади. Хуллас, унинг ота уйидан узоқлардаги ҳаёти бошланди. Ёшлиқ ҳавасига берилган қиз келинликка мослашиши анча қийин бўлди. Бунинг устига ота-онаси узоқда. Ҳа деганда улар билан кўриша олмаса. Хоразм қайдаю Самарқанднинг чекка бир қишлоғи қайда? Қайноналари келин қилиб олиб кетишгач, бир ой деганда бир кунга келиб кетишди. Шундан сўнг бир йил деганда ўқиш жойидан куёв билан келди.

Ҳаво иссиқ бўлгани учун кечқурун отаси билан Муродга ташқаридаги сўрига жой қилиб беришди. Қизи билан ёлғиз қолган она унинг кўнглига кўл солди.

— Дилнозжон, турмушинг яхшими? Қайнона-қайнотанг қандай одамлар экан?

— Яхши, ойи, — у шундай деб зўрма-зўраки кулиб кўйди-да, ерга қаради.

Дилнозанинг юрагидаги дардини онанинг кўнгли сездди. Аммо оиласининг сирини айтиб ўрганмагани маъқул, деб суриштирмай кўя қолди.

Орадан йиллар ўтди. Дилноза оғир оёқли бўлиб қолди. Шу даврда “сарик”қа чалинди. Ниҳоят, ўғилли бўлди. Ўзи эса туғруқ столида жон берди... Кейинчалик ота-онасига қизининг борган ерида нега тинчимагани маълум бўлди. Куёв ва қайнонаси, қайинсингиллари унга кўп азоб беришган, ҳатто ўқишини ҳам ташлашга мажбур қилишган. Оилада эркин ўсган қиз бу зарбаларни кўтара олмасдан, дардга чалиниб, ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бу гаплардан хабардор Феруза турмушга чиқиш тўғри-сидаги ҳар қандай кишининг фикрини рад этадиган бўлди. Опасининг ҳаёти унга қаттиқ таъсир қилган эди. Қиз дам олиш кунлари тугаб, шаҳарга отланди Дарс тутагач, дугоналари билан ётоқхонага йўл олишди. Сўнгра бирга концертга...

Эндигина чорраҳадан ўтишаётганда катта тезликда келаётган “Тико” Ферузани уриб кетди... Дугоналари йиғлаб юборишди. Ахир, қиз қонга беланган, сумкачаси четга отилиб кетган, ўзи эса беҳуш эди...

“Тико”нинг эгаси қизлар ёрдамида Ферузани тездан машинага ётқизиб, касалхонага жўнади. Беморни қабул қилиб олган шифокор чиқиб, қизга қон қуйиш ва бир қанча дори-дармон зарурлигини айтди.

— Мен, мен қон бераман, — деди саросима аралаш ичкарига кириб келган йигит.

Қон гуруҳи тўғри келмагач, у керакли дориларни топиб келиш учун шифохонадан югуриб чиқиб кетди. Муолажалар ёрдамида қиз тузала бошлади. Йигит ҳар куни Ферузани кўришга келар, унинг юз-кўзларида шундоққина афсус-надомат кўриниб турарди. Бир куни одатдагидек хабар олишга келганида Феруза анчагина тузалиб қолганини кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Яхши бўлдингизми, Феруза?!

— Тузукман.

— Мени кечиринг, олдингизда гуноҳкорман.

— Ўзимдан ҳам айб ўтди. Йўл қоидасига амал қилмадим.

— Йўқ, мен тез келаётган эдим. Жуда шошилаётгандим. Қаерликсиз, Феруза? — деб сўради. Сўнгра ўзининг қишлоғи номини эшитиб, ҳайратда қолди. Ахир, бу қиз онаси уйлантирмоқчи бўлган қиз-ку! У эса кўнмай юрибди. Совчиларнинг боришига ҳам қарши бўлди. Эҳ, калла. Шундай қизга уйлангин, дейишса, ноз қилиб юрибди-я!

Иккови ҳам бир-бирининг кимлигини билиб олганди. Феруза беҳуш ётганида Фарҳоднинг қанчалик куйиб-пишиб юрганини, ҳатто қон беришга тайёр бўлганини дугоналаридан эшитган, кўнглида меҳрга ўхшаш илиқ туйғу уйғонган эди.

Феруза шифохонадан чиққач, бирор ҳафта ўтиб унаштирув бўлди. Улар бахтли ҳаёт кечирешларига шубҳа йўқ. Ахир, меҳр ва инсонийлик туйғулари синовдан ўтган эди.

БОЙЛИК ИЗТИРОБИ

Эри тушкун кайфиятда кириб келди.

“Уф, бутун ҳам бирор иш тополмаганга ўхшайди. Ҳаммаси жонимга тегиб кетди. Қачон унинг омади келар экан-а?”.

— Ҳа, намунча шалвираб қайтдингиз? Бу ёқда болалар сизга ишониб очидан ўлишсинми? Аслида сизга дуч қилган пешонам курсин! - Ҳар доимги дийдиёсини бошлади Хадича. Хотинининг одатига кўникиб қолган эр хотиржам деди:

— Бирор ҳафта ичида чет элда ишлашга кетадиганлар билан жўнайман.

— Четга эркаклар боради-да, сизга йўл бўлсин! - Эрининг ҳамиятига тегди хотини.

— Ў, хотин, кетсам, шу кунинг ҳам йўқ! Нима, у томонларга борган одамнинг кўлига пул босадиган машинани бериб кўйишадими? Эскилар узоқдаги куйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деб бекор айтишмаган. Шу ерда ҳам дурустроқ иш топиб, насибасини бутун қилиб юрганлар бор-ку. Фақат ақл ва сабр керак.

— Сабр ўлсин, қачонгача сабр қилиш мумкин! Сабрни қозонга солиб, қайнатиб бўлмаса. Ўзи азалдан лапашангсиз. Ландовурга баҳона кўп.

Кетма-кет бошига ёғилаётган таъналардан Шавкатнинг жаҳли чиқди ва қандай қилиб хотинининг юзига шапа-лоқ тортиб юборганини билмай қолди.

.. Вой-дод, ўлдириб қўяди! — Хадича овози борича бақира бошлади.

— Сени урмоқчи эмасдим. Ўзинг шунга мажбур қилдинг. Қўй, пул учун жанжаллашиб, ўртага совуқлик солмайлик. Сен яхши гап билан мени қўллаб турсанг, пул топиш осонроқ бўлади, онаси.

— Сиз ҳар доим шундай деб аврайсиз. — Тарсакидан қизариб кетган юзини силаганча бу гал аразлаган оҳангда гапирди Хадича. — Агар сиз ишлашга қизиқмасангиз, мен қўшни аёллар билан савдога чиқаман.

— Қанақа савдо?

— Анави Ойниса тиллафурушликнинг орқасидан босар-тусарини билмай қолган. Эрига шунинг орқасидан машина ҳам олиб берган.

— Қўй, онаси, тинчгина ўтир. Ҳозирча пулимиз етиб турибди. Агар камлик қилса, сигирлардан бирортасини сотармиз.

— Сигирни сотасиз?! Бекорларни айтибсиз. Ёнига қўшишнинг ўрнига-я! Шухратжоннинг тўйи-чи? Уни нимангизга уйлантирасиз? Ҳеч нарсанинг тайини йўғу уни уйлантираяпман, деб керилган эмишсиз? Сув қурмасдан этик ечавериб, шу аҳволга келдингиз-ку!

— Бўпти, билганингни қилмайсанми... Ўзи сен билан бирор масалада муросага келганимни эслай олмайман, — дея Шавкат қўл силтаганча ичкари уйга кириб кетди.

Хадича ўйлай-ўйлай катта акаси билан пул қарз олишга қарор қилди. Пулни қўлга киритгач, Ойниса билан Бухородан тилла тақинчоқлар олиб келиш учун жўнаб кетди. Ойниса ҳар доимги жойидан унга ҳам турли тақинчоқлар олиб берди.

— Тилла савдосида жуда эҳтиёт бўлиш керак, синглим, — деди Ойниса қайтишда. — Баъзилар насияга олиб, кейин қорасини кўрсатмай кетишади. Шунақаларнинг домига илиниб қолмасликка ҳаракат қилинг. Катта тилла олмоқчи бўлганларни менга рўпара қилинг, хўпми?

— Майли, опажон, ишларим юришиб кетса, сизни бутун оиламиз билан алқаймиз.

Орадан кўп ўтмай, оиланинг моддий аҳволи анча яхшиланди.

Кўнларнинг бирида кўпроқ мол билан қайтган Хадича ҳали сотилмаган нарсаларнинг фойдасини чамалаб, мамнун ҳолда ўзида қоладиган пулларни ҳисоблаб ўтирган эди, кўча эшик тақиллади. Уйда ёлғиз бўлгани учун дарвозани ўзи бориб очди. Остонада нотаниш бир аёл кулимсираганча турарди. Салом-аликдан сўнг аёл ўзини таништирди. Кўшни тумандан экан. Ҳозир ёнида пул билан келибди. Етганича тилла тақинчоқлар олиб кетмоқчи экан. У бир миллион сўмлик зеб-зийнат олди. Пулини эса шу заҳоти чиқариб берди. Бир ҳафтадан кейин яна келган аёл Хадичанинг кўнглини овлаб, яна бир миллион сўмга савдо қилиб кетди. Хадича тақинчоқларни улгуржи сотганидан мамнун бўлди ва харидорни кўлдан чиқармаслик керак, деган хулосага келди. Аёл учинчи келишида “опажон”лаб Хадичанинг кўнглини обдон эритгач, агар рози бўлса, ҳозир насияга олиб кетиб, пулининг ҳаммасини бир ҳафтадан кейин беришини айтди. Хадича унинг гапларига лаққа ишониб, уйдаги уч миллион сўмлик тилла буюмларни бериб юборди. Уларга эрининг тилла соатини ҳам кўшди. “Агар буни сотса, бошқасини олиб бераман”, - деб ўйлади ўзича. Аёл бир ҳафтада келаман, деб кетганича, бир ой бўлдики, қорасини кўрсатмади. Хадичанинг еган-ичгани ичига тушмай қолди. Охири ўйлаб-ўйлаб Ойнисага маслаҳатга келди. Кўнгилсизликни эшитган Ойниса уни уришиб берди. Ишни бошлаган пайтингизда мен сизга нима деган эдим? Мана шундай алдовларга рўпара бўлмаслик учун огоҳлантиргандим. Дуч келган одамга ишонаверасизми? Яна гаровга бирор буюм олмасдан-а? Иккаласи аёл айтган манзилга - кўшни туманга борибди. Дарвозани бир эркак киши очди.

– Кечирасиз, Гулноранинг уйи шуми?

— Бир вақтлар шундай эди. Эркак улар нимага келишганини дарров сизди. – Сизларни ҳам алдаб кетдими? У ҳаммани мана шунақа қилиб “тушириб” юради. Уйи кўча бўлиб қолган. Ундан олиб, бунга бериб, ёлғончиликни касб қилиб олган. Кўрмаганимга икки йилча бўлиб қолди. Кимдан нима олса, мана шу уйнинг манзилини бериб, бизларнинг тинчимизни бузади. Бир кўлга тушмаяпти-да, адабини берардим. Бу гапдан сўнг Хадича “Қаерда бўлиши мумкин?” — деганича ерга ўтириб қолди.

Орадан ойлар ўтди. Янгаси қарзларни қисталанг қила бошлади. Энди қариндошлар орасида пул можароси бошланиб кетди...

СИРТЛОН

— Бир кеча минг кеча бўлармиди. Ётиб қолавер, тонг отганда кетасан.

— Уйдагиларга қайтаман, деб келганман. Битта яхши фотиҳа ўқиб, жойимиздан турайлик.

— Кўнглим алағда-да. Йўлинг тоғлар орасида. Бўрилар айни изғийдиган пайт, илтимос, қол!

— Хотинимнинг ваҳимачилигини биласан-ку, жўра.

Илтижолари самара бермаган мезбон уйдан чиқаётганларида чопони барига осилган уч яшар ўғилчасини аёлининг “ҳай-ҳай”лашига қарамай қалин кийинтириб, ўраб-чирмаб, эшагига минди-да, дўстини қишлоқ адоғига кузатиб келди.

Улар қуюқ хайрлашдилар. Бу ёғига йўлга ёлғиз тушган Дилмурод отига қамчи урар экан, ҳали олдинда ўзини тақдирнинг не синоатлари кутиб турганини билмас эди.

От аста-секин икки қишлоқни боғловчи тоғ довони орасига кириб борарди. Чўнқаймишга кўп бор келганидан Садафнинг ўзи йўлни билиб қолган. Жониворнинг фақат елкасидаги ёлию дум ва қулоқлари учидаги қора

чилвирларини демаса, бутун танаси оппоқлиги боис Дилмурод унга “Садаф” деб ном берган. Кўп юрди. Устида қалин пўстини бўлса-да, танасидан совуқ ўта бошлади. Уйдан чиққанида совуқни писанд қилмаган Дилмурод “Бемаврид чиқдиммикан?” деган пушаймонга бора бошлади. Ҳалигина иссиқ сандалда ўтирганида узоқ йўл писанд қилишга арзимайдигандек туюлган эди. Энди эса қалин қор, совуқ, адоқсиз йўлдан чарчади. Бир ёнига қийшайиб ўсган таниш катта тут дарахтни кўргач, Толли қишлоғига яқинлашиб қолганини сизди. От безовта бўлди. Бошини кескин чайқаб, қаттиқ пишқирди. Кўзлари ёниб, яқинлашиб келаётган бўрилар галасини кўриб, юраги “шиғиллаб” кетди. Дилмурод тезда ён-атрофга кўз югуртирди. Қочишнинг иложи йўқ. Шу тоб ёнбошидаги дарахтга қараб хаёлига бир фикр келди. Отини дарахтга ўнглаб борди-да, тирмашиб чиқиб олди. Бўрилар галаси шуни кутиб тургандек отни бир пасда ўраб олди. От олд оёқларини кўтариб, икки орқа оёғини ерга қаттиқ тираганча бўриларга қаршилиқ кўрсата бошлади. Лекин вахшийларнинг ўткир тишию тирноқларидан омон қолмади. Бир пасда ҳомталаш бўлиб кетди. Бу даҳшат шунчалик тез рўй бердики, йигит карахт бўлиб қолди. Бўрилар отни тўйгунча ейишди.

— Энди даф бўлишар, — деб ўйлади отига жони ачишиб Дулмурод. Аммо у адашган эди. Бўрилар энди ғайриоддий ҳаракатлари билан уни ҳайратга сола бошлади. Улар аввалига дарахт остига келиб, тепага бир-икки сакрашди, мақсадларига етолмасликларини сезишди, шекилли, бир-бирларига қараб олишди-да, ажабки, худди одамдек олд оёқлари билан қорни дарахт остига йиға бошлашди. Дилмуроднинг юраги гупурлаб кетди. Ана энди омон қолиши гумон. У бор, нима бўлса бўлар, деб ўйлади-да, бор овози билан қишлоқ одамларини ёрдамга чақираверди. Бир пайт узоқдан итларнинг хуриши кулоққа

чилинди. Бу овозлар борган сари яқинлаша бошлади. Тездан ой ёруғида бир тўда итларнинг шарпаси кўринди. Бўрилар жойидан жилай демасди. Оралик масофа қисқариб борарди. Итлар ўн беш-йигирма қадам нарида хуриб туришди-ю орқаларига қарашга журъат қилолмай, галати ванғиллаб қочиб қолишди. Бор умид пучга чиқди. Бўрилар эса зўр бериб, қор йиғишарди. Шу пайт узоқдан яна итнинг хуриши эшитилди. Бу овоз тобора тезлик билан яқинлаша борди. Ниҳоят, итнинг қораси кўринди. Бўрилар орасида безовталиқ бошланди, ит яқинлашгани сари бўрилар орқага тисланавердилар. Масофа қисқариб боравергач, йирикроқ бўри берирокда қолди. Ниҳоят, ит етиб келди. Ит унчалик катта эмас эди. Орада олишув бошланди. Гоҳ бўри тишларини итнинг бўйнига ботириб олишга чоғланиб ўзини олдинги отар, лекин ит чаққонлик билан чап берарди. Ниҳоят ит бўрининг бўйнидан маҳкам тишлаб ерга босди. Мағлуб бўлишганини тушунган бўрилар ура қочишди. Ит ҳам ўзининг ўлжасини қўйиб юборди. Бўри жароҳатидан қон сизилиб, лўккиллаганча жуфтакни рослади.

Ит отнинг қони кўлмак бўлиб ётган жойга яқинлашиб, Дилмуроднинг бўриларга ўлжа бўлган отидан қолган суякларни ҳидлаб қўйди-ю бурилиб дарахт ёнига келди ва “ортимдан юр” дегандек тепага қараб хуриган ҳолда қишлоқ томон йўл бошлади. Ит ортидан келаётган Дилмуродга тез-тез қараб қўярди.

Улар юра-юра атрофи шох-шаббалар аралаш тиконли симлар билан ўралган ҳовлига етганларида ит ўзи ҳар доим кириб-чиқиб турганидан шекилли, гавдасига мос тешикчадан “лип” этиб ҳовлига кириб кетди. Дилмурод итнинг эгасига миннатдорлик билдириш ва бўлиб ўтган воқеаларнинг сирини билиш учун дарича ортида туриб: “Ҳой, ким бор?” — деб чақира бошлади. Ҳовлида турган ит ҳам қаттиқ хуриди. Ичкаридан устига эски пахталик

чопон ташлаб олган уй эгаси чиқиб келди. Тун ярмидан оққанда дарвозада турган нотаниш меҳмонни кўриб: “Келинг, меҳмон!” - деб уйга таклиф қилди.

Уйга кирганларида чироқ ёруғида меҳмоннинг рангрўйи бир аҳволдалигини кўрган мезбон бирор кўнгилсизлик бўлганини англаб етди. Аввал чой, нон кўйиб, қисқа салом-алик ва танишувдан сўнг Дилмуродга саволмуз тикилди. У бўлган воқеаларни сўзлаб берди ва икки воқеанинг сирини сўради.

— Эй, укам. Аввало жонингиз омон қолганига шукр қилинг. Менинг касбим - чўпон. Кўриб турганингиздек, уйим ҳам қишлоқдан сал берида. Итимга келсак, у асли бўрилар авлодидан. Онасининг исми Бахмал эди. Бахмал қишлоқ итларини ўзига яқинлаштирмасди. Урғочи бўлсада, жаҳддор ва жангари эди. Бахмал - Сиртлоннинг онаси. Уни бўридан туққан. Бунинг ҳам тарихи бор.

Ота касб - чўпонликни бошлаган пайтларимда кетма-кет отаримни бўри босди. Анча кўйдан ажралдим. Шунда отамнинг бир гапини эсладим: “Бўриларни фақатгина бўри авлодидан бўлган сиртлон енгади. Бу ит шунақа итки, онадан ёлғиз туғилади. Бармоқ панжалари олтига бўлиб, туғилганданоқ бўрилар галаси сезишади ва уни ўлдириб кетиш пайида бўладилар. Агар шу вақт ичида кучук боланинг бахти чопиб, омон қолса, бир ёшдан кейин у бўриларни қийрата бошлайди...” Шу гапларни эслаб, бор-э, нима бўлса бўлар, дедим-да, айна итлар жуфтлашадиган пайтда Бахмални олиб тоғлар орасига қараб жўнадим. Одам қадами камдан-кам етадиган жойга олиб бориб дарахтга арқонини чирмаб боғлаб ташладим. Орадан бир-икки кун ўтгач, “иш пишгандир” деган хаёл билан энди отимни ҳозирлаб, тоғ томонга йўл олмоқчи бўлиб турганимда кўриниши бир аҳволда Бахмалнинг ўзи даричадан кириб келди. “Бахмал, Бахмал”, — деб чақирсам ҳам менга қарамасдан, уйчасига кириб

кетди. Бир неча кун олдига кўйилган овқатга қарамади. Лекин ватани бўлиб қолганидан шекилли, уйдан қочиб кетмади. Мен шундан чўчигандим. Анча муддат ўтиб, бир куни хотиним: “Итингиз туғадиганга ўхшайди”, - деб қолди. Агар тўрт-бешта туғса, иккитасини олиб қолиб, бошқаларини чўпон жўраларимга бериб юбораман, деб ўйладим. Вақти келиб, Бахмал мана шу сиз кўрган Сиртлонни туғди. Олтита панжаси, бунинг устига ёлғиз туғилиши унинг бўри авлодидан эканини исботлаб турарди. Сиртлон туғилган кунлар уйимиз атрофида нуқул бўрилар изғиб юришди. Бир нечтасини милтиқ билан қийратганимдан сўнггина умидларини узиб кетишди.

— Ака, Сиртлоннинг эгаси сиз. У менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Келинг, бориш-келиш қилайлик!..

Тонг оқара бошлаганида улар оға-инилардай бир-бирларининг кўксига бош кўйиб хайр-хўшлашдилар.

Бир-икки қадам ташлагач, Дилмурод ортига бурилиб қаради. Узоқларда, қир тепасида шу ёққа қараб ўтирган Сиртлон томон чўзиб хуштак чалди-да, қишлоққа жўнаб кетди.

КЎНГИЛДАГИ ХАВОТИРЛАР

Бозорда керакли нарсаларни харид қилиб юрсам, қуёш тафтидан қорайиб кетган аёл ёнида - пиёз ва картошка сотиб турган кимнидир баланд овозда “эркак”ча қилиб ҳақоратлаяпти. Атрофдагилар бепарво, ўз юмушлари билан банд. Демак, биз аллақачон бундай ҳолатларга кўникиб улгурганмиз.

Беихтиёр момоларимизнинг муомала маданиятини эсладим. Улар “маданият” деган сўзни ишлатмасдан ҳам маданиятли бўлишган. Биз эса... Муаммо шу-энди ўша маданиятни қайта ўзлаштириб олишга бизда иштиёқ топилармикан?

Аёллар кўчага чиқиб кетди, деймиз ҳавотирли изтироб билан. Аммо уларни ҳам тушуниш керак. Уйда фар-

зандлари оч қолишига ҳар қандай аёл ҳам беширю қараб туролмайдди. Ейишга ҳеч вақо қолмаса, болалар оналарига қарашади. У эса бирор тadbир қилиши керак. Битта эркакка бор юкни ташлаб қўйишга нимадир йўл бермайди. Балки эрининг соғлиғини, уни ўзи учун ивайлаш кераклигини ўйлар. Лекин ўзини асрашни ҳаёлига ҳам келтирлмайди. У аёл илмли бўлса, бирор давлат ташкилотига кириб ишлаб, рўзғор камини бутлашга киришади. Яна бири эса бозорга чиқиб, савдо-сотиқ билан пул топишга интилади ва ўша ердаги шароитга мослашиб, “эркаклаша” бошлайди.

Аёл давлат идорасида ишляпти фарзандларим комил инсон бўлсин, элга қўшилсин, деб. Аёл бозорга қатна-япти бугун бирор қоп картошка, пиёзни арзонроққа олиб, қимматга сотсам-у қозонимни яхшироқ қайнатсам, деб. Яна бир тоифа аёллар кечқурун йўлга чиқаяпти, бугун қай бир эркакни йўлдан уриб, пулини олсам, деб. Аммо барчаси топганларини бозорга совуради...

Энди бозорга кирган пулнинг кайси бири баракани қочираяпти экан, биларсиз...

АЁЛЛАР ГУРУНГИ

Қўшни аёллар ҳар доимгидек уйнинг ёнидаги бетон устида тизилишиб, гурунгни авжига чиқариб юборишганда улар даврасига қўшилдим. Бугунги мавзу кеча қўшни эркакнинг бегона аёлни уйига бошлаб кириб кетгани тўғрисида. Гапларидан ўша эркакнинг хотинига нисбатан ачинишга ўхшаш кайфият сезилиб турарди. Орага узок жимлик чўқди. Барча ўз хаёли билан банд. Каттароқ ёшдаги Малоҳат опа жимликни бузиб, гап бошлади:

— Хотинлар тилларингга эҳтиёт бўлинлар, Гулсара билмасин!.. Рузғори бузилади-я! Фақат кейинроқ гап орсиди қишлоқдан тезроқ қайтинг, биз соғиниб қоламиз, деб қўямиз.

Шу ерда эркакларнинг эътиборини бир нарсага тортмоқчи эдим. Сиз йўлдасиз. Келишган қиз ёки жувон диққатингизни тортди. Унга ёмон назар билан боқманг. Ўйлангки, у сизнинг синглингиз, опангиз. Унинг иззату орномуси - сизники. Чунки ўша аёл сизнинг элингиздан. Кеча тунда йўлингиздан чиқиб, бежо ҳунар кўрсатган аёл қачонлардир ҳаётнинг равон йўлларида бўлгандир, эҳтимол... Унинг бу қадар паст кетишига сизнинг оғайнингиз сабабчидир.

Муҳими - сиз кўчадаги адашган синглингизга самимий қаранг. Тўғри йўлга солишга уриниб кўринг. Ахир, эрлари гурурли бўлган юртда аёллари фаришта каби покиза бўладилар.

Гурур нима ўзи? Аёллардан ор-номус талаб қилиш эмас, уларнинг ор-номусини ҳимоя қилиш эмасми?

Кўчада оғзидан ароқ иси келиб турган аёл унинг устидан куласиз. Аниқроғи - жирканасиз. Ўйланг: унинг ўзи шу расволикни жон-жони билан истаганмикан? Ёнидаги эркаги тоғ каби суяб турганида шу қадарли тубанликка йиқилармиди?

Аёл чет элдан фоҳишалик билан пул топиб келаяпти. Ажабки, баъзи ота-оналар, ҳатто эрлар аёлу қизларини шу йўлга бошламоқда.

Кетганлар у ёқдан пул “ишлаб” жўнатадилар. Булар бу ёқда ҳаром пулни совуриб, керилиб юрадилар. Она эзилмайди. Кўнгли тинч. Отанинг боши ҳам эмас. Эр гурур ҳақида ўйлашнинг истамайди...

Истасаг-у етолсак

Борлиққа тун сукунати чўка бошлайди. Ҳамма уй-уйига ошиқади. Шу оқшом эрлар ўз уйида, аёли ва фарзандлари билан тинчгина оиласи даврасида. Қизлар улоқиб четга чиқиб кетмаган, ота-онасининг ёнида. Хотин эрининг, ўзининг, болаларининг эртага ишга, мактабга бо-

радиган кийимларини дазмоллаб тахлайди. Болалар дар-
схонада тинчгина мутолаа билан банд. Кўнгиллардаги
меҳр-мурувват, ор-номус, гурурнинг боши баланд. Тонг-
да очиқ эшиклардан барака кириб келаверади.

МЕҲР ДАРСИ

Худо жамики мавжудотларни жуфти билан яратган.
Ҳаттоки, ернинг жуфти ой дейдилар.

Туманлардан биридан қайтаётганимда йўлда бир ҳоди-
санинг гувоҳи бўлдим. Узоқда бир қушча чаппар уриб
айланар, гоҳ-гоҳида ўзини қаттиқ асфальтга уриб-уриб
оларди. Ерда эса жуфтнинг қайсидир бир йуловчи ма-
шина филдираклари остида янчилиб кетган жисми ётар-
ди. Биз тобора яқин келгандагина қушча ноиложликдан
ўзини четга олди. Лекин узоқлаб кетмади. Яхшилаб ти-
килдим. Кўзчаларининг атрофидаги майин юнгчалари куз
ёшидан намланган. Ўзи эса тинимсиз хасратли сайрарди.
Кўп йиллар олдин болалигимда гувоҳи бўлган бир воқеа
ёдимга тушди. Шохдор қора сигиримиз бўларди. Шу си-
гирнинг боласи айни онасидан айирадиган пайтларга
келиб касал бўлиб қолди. Бузоқни онасининг олдига кел-
тирсак ҳам ҳолсизликдан эмолмасди. Кўп ўтмай ўлиб
қолди. Ўша кунни онаси на олдига қўйилган сувни ичди,
на емиш еди. У фақат бир нуқтага тикилиб турар, худди
одамдек кўзларидан тинимсиз ёш қуйиларди...

Ўйлаб қолдим: инсон меҳр дарсини табиатдан ўрган-
са, дуруст бўлармиди.

ILON O'CHI



Toshkent-2007

Qo`lingizdagi kitobchada jamlangan bitiklar, badiiy hikoyalar to`qima emas. Kundalik hayotning o`zidan olingan lavhalar. Muallif o`zi ko`rgan, guvohi bo`lgan, tanish-bilishlaridan eshitgan voqealarni qalamga olar ekan, umumlashma, xulosa chiqarishga, hayot falsafasini topishga harakat qilgan.



SULUV

Sarvar momo, mana necha kundirki, bemor, qimirlamay yotardi. Bugun o`zini ancha tetik sezdi. Ikkala kundosh kelini uni istagiga ko`ra hovli chetidagi tutning soyasiga qo`yilgan so`riga olib chiqib yotqizdi.

Suluvning bu xonadonga kelin bo`lib tushganidan buyon ko`p yillar o`tdi. Lekin go`dakni erkalashga zor. Eri Suyunboy - onasining yolg`iz o`g`li. Kaynona va eri Suluvning suluvligiyu oqilaligi uchun undan voz kecha olmaydilar. Ustiga boshqa xotin olib berishni ham onasi kelinning shu xislatlarini o`ylab ep bilmasdi. Bir kuni supa ustida ona o`g`liga: "Ortimdan izim qolmaydi, deb ezilaman-da, bolam" - deganini endigina supaga yaqinlashgan Suluv eshitib qoldi. Kechqurun ko`rpa qavib o`tirgan kelin: "Ena, men - roziman!.." - dedi ishidan ko`z uzmasdan. Momo ziyrak emasmi, gap nimadaligini darrov angladi. Kelinining qo`llariga nogoh ko`zi tushdi-yu "Bolam, bolam-a, senga kundoshlikni ravo ko`rgan taqdirga o`t

ketsin! Qo`lingga qaramaysanmi?" - deb yig`lab yubordi. Ajab, baxtga kuyish shunchalar bo`larmikan.

Roziligini aytish uchun zo`rg`a jur`at topganida o`rta burmog`ining uchidan ignani o`tkazib olibdi hamki, zig`ircha og`riq sezmad.

To'y ham bo'lib o'tdi. Suluv Umaqaydan bo'lsa, kundoshi Qo'chqorbuloqning o'zidan edi. Ancha muddatdan so'ng eri yana savdo ishlari bilan jo'nab ketdi. Keksalik sababmi yo boshqami, ishqilib, momo bir necha kundan buyon betob. Qaynonasini yotqizib qo'yishganidan so'ng Suluv non yopish uchun tandirxonaga qarab ketdi.

Avval shox-shabbalarni qalab, olov yoqdi. Tandirdagi olov tobiga kelgach, qo'lidagi kosov bilan cho'g'larni bir joyga to'plab, ichkaridan yasalgan nonlarni olib chiqdi-da, birin-ketin tandirga yopa boshladi. Ishini tugatgach, tandir og'ziga qopqog'ini qo'ydi. Qaynonasining supada bir burda bo'lib yotganiga qarab yuragi ezildi. Esiz enam. Bir paytlar qanday ayol edi?! Katta savdo ishlari bilan uzoqlardan mol olib kelar, manaman degan erkaklarga gap bermasdi. Eri yoshligida qazo qilib, oilaning shirin ta'mini to'yib totolmagan bechora ayol o'zini savdo bilan chalg'itgan. Uzoqlardan olib kelgan asl mollarning eng oldini, hali qishloqdagi birorta kelinchakning egnida bo'lmagan kiyimlarni avval

Suluvga berar, uni o'z qiziday suyardi.

Tandir ichida nonning "tup" etib tushgani eshitildi. Shoshilib qopqog'ini ko'tardi-yu nonni qo'liga olib, "puf-puf"lab artib, yonidagi savatga soldi. Ketma-ket qizarib pishgan nonlarni olib savatga joyladi-da, ichkarida kundoshi yozib qo'ygan dasturxonga terib, ikkita issiq nonni dasturxonga o'rab olgancha momo yotgan supaga yaqinlashdi. Uxlayotgan ekan. Uyg'otishga ko'zi qiymadi. Supa chetiga sekingina o'tirdi. Ko'zi chetda turgan kosadagi suvga tushgach, qattiq chanqaganini his qildi. Endi uzalib suv ichmoqchi bo'lganida momo ko'zlarini ochdi. "Suvni ichma, qizim. Huv anavi gujumning tagiga to'k!" - dedi. Hayron bo'lgan Suluv quloq qoqmay aytilgan ishni bajardi. Qaytib joyiga o'tirganida momo gapida davom etdi: "Suluv, ertaga o'sha joyga borib qaraysan, xah bolam-a!" - deya chuqur xo'rsindi. Ertasiga yana qaynonasi Suluvni chaqirib so'radi:

- Ko`rdingmi, qizim?

- Ha, ena, yer ko`karib, ko`tarilib ketibdi.

- Senga kundoshlikni ravo ko`rgan taqdir bunchalar shum bo`lmasa, Men endi roziman. Ayb o`g`limda ekan. Mayli, sen boshqa turmush qil. Etak-etak farzandlar ko`r. Men sening duoi joningni qilaman. Barcha bisotlaringni ol!

Ertasi kuni xabar yetgani sabab akasi aravada uni olib ketgani keldi. Suluv kelinlik uyidan biror narsa olishni istamadi. Faqatgina qaynonasining qiyin-qistovi bilan bir siqim tillo taqinchoqlarinigina olib, aravada ko`zida yosh bilan ota uyiga qarab asta-sekin chayqalib borardi. Bu - bir tarix. Shundan so`ng dunyoda qancha o`zgarishlar bo`lib ketdi. Suluv boshqa turmush qurdi. Bir etak bolalarga ona bo`ldi. Lekin hamisha marhum qaynonasini eslardi.

ILON O`CHI

Nazar qo`shnisi Akmal bilan hovlisining nurab qolgan devorlarini to peshingacha loyshuvoq qilib bitirib qo`ydi. Tushlik ustidan issiq choy ichib, u yoq-bu yoqdan gurunglashib o`tirganlarida ichkariga otilib kirgan Anbaroy tili kalimaga kelmay ostonada qotib turib qoldi.

- Nima bo`ldi, onasi? - hayratlanib so`radi Nazar.

- O-oshxona derazasida ilon, b-boshqacha ekan!..

Shoshib o`rnidan turgan Nazarga Akmal ham ergashdi. Haqiqatan ham derazada uzunligi yarim qulochu lekin ancha yo`g`on qop-qora ilon oynadan ichkariga tushgan oftob nurida toblanib yotgan ekan. Tangalari qiziq yaltiraydi, boshida oppoq tojsimon pat.

- Bu boshqacha ilon, otasi. Indamasak, yaxshi, - dedi Anbaroy orqaga tislantib.

- Ketmasa-chi? Nima qilamiz. Rangi ham qora ekan. Sen aytgan ilon oppoq bo`ladi. U "uy iloni" deyiladi.

- Kel, biror narsa bilan o`ldiramiz, - gapga qo`shildi Akmal.

Onasi, bor, ketmonni olib kel! - Eriga gap qaytarib o'rganmagan ayol, oqibati yomon bo'lishini ko'ngli sezib tursa-da, indamasdan ketmon olib kelish uchun hovli boshiga yo'l oldi. Nazar bor kuchi bilan ketmonni ilonning taniga urganida har tomonga tirqirab qon sachradi. Buni kutmagani bois uchalasi ham birdan "voh, voh"lab yuborishdi. Beixtiyor seskanib, bir-ikki qadam orqaga chekingan Nazar ikki joyda to'lg'anib yotgan ikki bo'lak ilonni mayda-mayda qilib chopib tashladi.

Xotini olib kelgan eski siniq tog'oraga ilonning qiymalangan jasadini solib, hovli burchagiga ko'mib tashladi. O'sha kuni katta ola sigiri tog'dan keldi-yu joyidan turolmasdan, ikki kun cho'zilib yotdi.

Bolalari Ilhom do'xtirni aytib kelishdi. U sigirning kasaliga biror narsa deya olmay, kallasini liqqillatgancha ancha turib qoldi. "Hayronman" degancha ichirish uchun dori berib ketdi. Foydasi bo'lsa qani, uchinchi kuni tongda turib qarashsa, sigir harom qotibdi. Ketma-ket qo'ylarining bir-ikkitasi ham o'ldi, qolgan bitta sigiri o'z-o'zidan sutdan qoldi.

Eng dahshatlisi keyin boshlandi. Bir kun tongda endigina uyqudan uyg'ongan xotini ko'zini ochib dodlab yubordi. Uy burchagida ikkita ilon ular tomonga sudralib kelardi. Er-xotin derazadan chiqib qochishdi. Shu kuni bolalar ham hovli burchagida katta ilon jasadi ko'milgan joyda to'rtta ilonning qo'lcha bo'lib yotganini ko'rishgach, halovatlari butunlay yo'qoldi. Bu xabarlarini eshitgan Nazarning onasi Hanifa xola halloslab yetib keldi-yu o'g'lini shu qishloqlik nafasi o'tkir Rahmat mullani aytib kelishga yubordi. Mulla kelgach, eskicha kitoblardan birini ochib qo'yganicha uzoq vaqt jim qoldi. Bir nimalar deb pichirlab, yuziga fotiha tortgach, Nazarga qarab gap dedi:

- O'g'lim, siz ilonni o'ldirdim, deyapsiz. Jonivorni o'ldirib, xato qilgansiz. Sizga shu ilon bilan birga Yaratgan ato etgan nasiba kelayotgan ekan. Agar shunday qilmaganingizda shu yil ichida juda og'ir bemorlarni ham

davoluy oladigan tabib bo' lardingiz, entiz. Endi ehtiyot bo' lasiz. Bu jonivorlar sizni bezovta qilaveradi. Kelin, siz bir kosada suv, bir kosada un olib kelsangiz, duo o' qlyman. Olib kelingan narsalarga bir soatlar chamasi "kuf-suf"lab duo o' qigan Rahmat mulla qo' lidagi Qur"on kitobini ham Nazarga berib ketdi. O' qilgan narsalarning yonidan jilmaslikni, asosiysi - Qur"onni har doim o' zi bilan birga olib yurishni, shunda ilon unga daf qilishga botinolmasligini tayinladi.

Shu oqshom tinch uxlagan Nazar, keyingi kun tunda uy shiftida ochilib turgan ilonni ko' rib, go' yo hozir ustiga tushadigandek, jonholatda yonboshiga ag' darildi. Tuni bilan uxlay olmadi. Kunduzi hovlidagi tok soyasiga qo' yilgan chorpoyada bir pas ko' zi ilingandek bo' ldi va tush ko' rdi. Tushida o' zi o' ldirgan o' sha katta ilon butun tanasiga o' ralib olib, bo' g' ar edi. O' zini har tomonga otib, joyidan sapchib tursa, tushi ekan. Atrofiga qarasa, xayolida har tomondan ilonlar bostirib kelayotgandek tuyulaverdi. Shunda u xotini va bolalarining "hay-hay"lashiga qaramay, hovlisidan yalangoyoq yugurib chiqib ketdi. Shu ketishda onasining hovlisiga kirib bordi. Ko' nglida bu yerga ilon kelmaydigandek.

Bolaligida o' zi yotib yuradigan xonaga kirib, eshikni mahkamlab oldi. Tashqaridan ukasi ovoz berdi:

- Aka, eshikni oching, men yoningizda o' tiraman.

- Ha, Botir, kel! Jonga tegib ketdi-ku bu ilonlar. Qaerga qochishga hayronman.

- Enam yana Rahmat mullanikiga ketgandilar. Halizamon kelib qolishadi.

U gapini tugatar-tugatmas, eshikda onasi bilan mulla ko' rindi.

Qisqa salom-alikdan so' ng mulla gap boshladi:

- Nazar, eskidan bir gap bor. Kim shunday holga tushib qolsa, to' rt suv o' tib ketsagina ilon balosidan qutuladi. Sizda ham faqat shu yo' l qoldi. Bo' lmasa, joningiz omon qolishi dargumon.

Shu kunning o'zidayoq er-xotin bolalari bilan qo'shni tumandagi qarindoshlarinikiga yo'l olishdi. Shu joydan yer olib, kichkinagina kulba qurdilar. Barcha mol-mulklarini ko'chirib kelishdi. Lekin eng kerakli narsa - oiladan baraka "qochdi". Keyinroq Nazarning chap qo'lli va chap oyog'i ishlamay, to'shakda yotib qoldi. Ro'zg'orning barcha tashvishlari Anbaroy bilan bolalari zimmasiga tushdi. Qaerlardandir surishtirib topilgan tabiblarning tinimsiz urinishlari bilan shalvirab qolgan chap tomoniga ancha jon engandek, hamon davom etayotgan tungi alahsirashlari barham topgandek bo'ldi. Ammo u avvalgi Nazar emas edi.

Uvol bo'lgan umr Saraton. Uzoqlarda kanal ichini to'ldirgancha suv to'lg'anib va loyqalanib oqadi. Eshakka ikkita katta suv idishni ortib olgan Bibinor tuproq ko'cha bo'ylab boradi. Qizning boshida qizil durracha.

Sochlarini ikkita qilib o'rib, ro'molcha bilan tugib olgan. Dugonalari ba"zida: "Sen o'zingga e'tibor bermaysan-da, aslida judayam latofatlisan, Buvish", - deyishadi havas bilan. Qiz bunday lutflarga beparvogina jilmayib qo'yadi.

Ertaga Bibinorning to'yi. Kuyov shu qishloqdan. Ammo qiz to'yga umuman rozi emas. O'gaylik dardi qursin.

Hamma ishni o'gay onasi bitirdi. "Bechora Bibinor, qanday chidarkin?" - deyishdi eshitganlar.

Ko'cha chetidagi devor bilan o'ralgan hovli ortidan shundoqqina shoxlari tarvaqaylab chiqib turgan katta daraxtda kakku sayradi. Qiz sanay boshladi: "Bir, ikki, uch.. o'n sakkiz... "Qush birdan jim bo'lib qoldi. Ko'ngli hijil tortdi. "Yug'ey, men ko'-o'p yashashni istayman", - o'yladi qiz yo'lida davom etar ekan.

Uylariga yaqinlashganida xolasining endigina eshikdan kirayotganiga ko'zi tushdi. Xursand bo'lganidan yugurib borib kuchoqlab ko'rishdi.

Kechqurun ishlarini saranjomlab, yolg'iz qolganida xolasi sekin gap boshladi:

— Bolam, qiz bolaning ishi shu. Bu yerda hech qachon ro`shnolik ko`rmaysan. Tezroq erga tegib ket, tinchiysan. Harqalay, o`z uying, bolalaring bo`ladi.

Bechora qanday qilsin: Abdusamadning xulq-atvorini yaxshi bilsa. Buning ustiga g`irt bekorchi.

Ko`ra-bila turib o`zini o`tga tashlayapti. Ammo nima bo`lganda ham o`rtada non sindirilgan. Otasi lafz qilgan.

Xullas, to`y bo`ldi. Qishloqdagi boshqa to`ylar kabi ortiqcha dabdabayu vahimalarsiz, ixchamgina.

Uyda ikkita qayinsingil va ikki qayinuka, qaynota va eri. Kelin bo`lib tushgach, ikki oydan so`ng ularni qaynona maqsadida tog`ning shundoqqina biqinidagi katta ko`chirish qolgan uyni boshdan-oyoq ta`mirlashdi. Bibinor, eri Otalaridan Abdusamad, qayinsingil va qayinukalari - hammasi birdan yeng shimarishdi. Bibinor loy ishida ham, uy ishida ham unchamuncha erkaklarni yo`lda qoldirardi. Faqat eri - bicha lanj odam. Avvaliga enasining zug`umidan cho`chib, bosh ko`tarmay ishladi. Keyin dangasaligi tutdi. Ko`proq loy handak tepasida kerilib, qo`lini beliga qo`yib olib, yoki bo`lmasa, to`rtta xodani yerga qoqib to`rt burchagiga kanop qoplar ulamasidan qilingan chaylada cho`zilib yotgani-yotgan. Haliyam, baraka topgur, ikki uka bilan ikki singil yaxshi. Bosh ko`tarmay jimgina ishlashdi. Tushlik yaqinlashganida uydan olib kelingan maydachuyda oziq-ovqatdan shu yerning o`zida biror yegulik pishirib qo`ya qolishdi. Mana, uyning ta`mirini ham bitkazib bo`lishdi. Mo``jazgina tandir-o`choq ham qo`ldan chiqdi. Tez orada erxotin o`z kulbalariga ko`chib chiqishdi. Endi bir boshi ikkita bo`lgan Abdusamad oilaga pul topishi kerak. Oila kattalari qishloq kayvonilari bilan maslahatlashib, odamlarning qo`y-qo`zilarini boqish uchun Abdusamadga olib berishdi. Abdusamad tayoqini sudrab ertalabdan toqqa chiqqib ketadi.

Kechqurun "uf-uf"lab qaytib keladi. Bir kuni tong korong`usida tandirdan issiq nonlarni "uzib", uyga olib kirayotgan xotinini chaqirdi.

- Xotin, bugun qo`ylarni sen tog`da o`tlatib kelasan. O`zing yaxshi bilasan qaerlarga olib borishni.

Mening boshim qattiq og`riyapti. Hozir qishloqdan chiqqan qo`ylarni to`plab, sal narigacha haydashaman. U yog`iga o`zing boraverasan!..

Xullas, shu kundan boshlab Bibinorning cho`ponlik hayoti boshlandi. Erta turib, uy yumushlarini bajaradi. Ulgurmaganlarini kechqurun kelib qiladi.

Bundan erining ota-onasi xabar topdi. Ularning o`rtasida shunday gap bo`lib o`tdi:

— O`g`ling bitta ishni eplolmayapti. Kuni bilan yotib uxlaydi, kechqurun bekorchilarga qo`shilib qartabozlik qiladi. Qo`ylarni Bibi boqib kelayotgan ekan.

— Nima bo`pti. Uy qilib bergan bo`lsam. Bolam tinmay ishladi... Kelinning uyda nima ishi ham bor. Bolasi bo`lmasa etagidan tortadigan. Indamang, o`zlari nima qilsa, qilaverishsin, — dedi xotini eriga.

Shu orada Bibinor “yukli” bo`ldi. Boshqorong`usi og`ir kechdi. Ko`ngli aynib, boshini ko`tarolmasdan yotib qoldi. Erining ishi yana o`ziga qoldi.

Ota bo`lish haqidagi xabar Abdusamadga yoqib tushdi. Ilgarigi tundligi ozroq yuqolganday. Bu orada xotining bo`yidagi homilasi yetti oylik bo`lib qoldi. Bir kuni tog`dan charchab kelgan er xotiniga:

— Ovqatingni tezroq olib kel. Q“ornim juda och,— dedi.

— Hozirgina qozon osdim, — deya javob berdi xotini.

— Sen kuni bo`yi nima qilib o`tirasan, ishing hech unmaydi,— deya bir shapaloq tushirdi.

— Nega urasiz, yozig`im nima? Sizga tili-jag`im tekkani yo`q-ku!

— Tili-jag`ing tegib ko`rsin, nima qilarkinman, — dedi er. - Bo`ldi, hali tug`ishingga ikki oy bor.

Qo`ylarni biror oy sen boqasan.

Bibinor ertasidan boshlab yana toqqa chiqa boshladi.

Kunlarning birida qishloqdoshining sovlig`i tog`da qo`zilab, uyga ko`zichoqisiz qaytgancha ma`rab, dunyoni buzdi. Egasi keldi. Er-xotin va hamqishloq - uchovlari tog`ni aylanib axtarishdi. Qo`zichoq yo`q. Yerga kirganmi, osmonga chiqqanmi, yo`q. Qaytarda qo`yning egasi Abdusamadga "Aka, yangamni qiynamang, o`zingiz ishlangiz, bo`lmaydimi. Bechora og`iroyoq bo`lsa", - dedi.

Jahl otiga mingan Abdusamad xotinini "he" yo`q, "be" yo`q kaltaklay boshladi. Ayolning qancha joni bor.

O`zi ham, bolasi ham uvo! ketdi...

Keyinroq xolasi o`n sakkiz yoshida nobud bo`lgan jonjigari, opasidan qolgan yolg`iz yodgori Bibinorning:

"Jon, xolajon! Otamga ayting, meni ajratib olsin. Kuyovingiz o`ldirib qo`yadi", - deb yalinganlari sababini anglab yetdi. Lekin oilani buzib ham bo`lmasdi, axir, musichaning inini buzish ham gunohi azim ekanini yaxshi bilgan xola bunga jur`at etmagandi.

YORISHGAN YURAK

Feruza ko`cha eshigidan kirib kelganida onasi hovlida sigir sog`ayotgan edi.

— Assalomu alaykum, oyijon! Bugun kelishimni bilardingiz-ku, bir pas shoshmay tursangiz, o`zim sog`ardim, - dedi Feruza.

— Bo`ldi, — Oygul xola shunday deb joyidan turgach, ona-bola bir-birlarining quchog`iga otilishdi.

— Mana buni uyga olib kira qol, — Oygul xola yerdagi chelakka ishora qildi. Ona ko`ngli har narsani darrov sezadi. Bir qarashda o`z jigarbandining ahvolini bilib oladi. Xola ham qiziga boqib, ko`ngli yorishdi. "Tuf-tuf", yomon ko`zdan o`zi asrasin", - deb qo`ydi ichida. Kechqurun choydan so`ng gap boshladi.

— Feruza, kecha pastki qishloqdan sovchi keldi. O`g`li shaharda o`qir ekan. Otasi bilan otang qadrdon.

Shunga ishonishgan shekilli, onasi qarindoshlari bilan keldi. Otang rozi. Lekin sening ko`nglingga qarash niyati yo`q emas. “Xo`p”, - desang, keyin to`y, qizim.

— Oyjion, men turmushga chiqishdan qo`rqaman.

— Nega? — cho`chib ketdi ona.

— Opam-chi? - Feruzaning ko`zlarida yosh g`iltilladi.

Ertasi kuni yana Farhodlarnikidan sovchi keldi. Qiz mehmonlarning oldiga choy-non olib kirishdan bosh tortdi.

Mehmonlar ketgach, Oygul xola Feruzani oldiga chaqirdi.

— Jon bolam, qiz bola, ertami-kechmi, birovning xasmi haloli. Onasi: “Men o`qiganlarga havas qilaman, molimni sotib bo`lsa ham kelinimning o`qishini davom ettirgizaman”, — deyapti-ku! Bundan tashqari, kelasi yil bitirasan, buyog`i kam qoldi, — dedi qizini ko`ndirish harakatida.

— Ishonmang, erga tegmayman!

Aslida Feruza bunday deyishiga opasining hayoti sabab. Opasi endigina birinchi kursda o`qib yurganida kursdoshi Murodga ko`ngil qo`ydi. “O`ldim-kuydim” avjiga chiqqanida Murodnikidan sovchilar keldi. Bo`lajak kuyovning uzoq Xorazmdan ekanligini uchun otasi rozi bo`lmadi. Sovchilar to`rtinchi bor kelganlarida Dilnoza onasiga: “Tegsam, faqat Murodga tegaman”, deganini eshitgan ota og`ir bir xo`rsindida, xotiniga qarab: “Men-ku roziman, lekin qizingning borar yeri uzoq, issiq-sovug`i bor...”

Mayli, yoqtirgan bo`lsa, men nima ham derdim, baxtli bo`lishsin, ishqilib,— deganicha ketmonini yelkasiga tashlab dalaga yo`l oldi.

To`y harakati tezlashib ketdi. Ikki yosh ikkinchi kursni tugatishganda to`y bo`ldi. Dilnozaning shu kunlardagi quvonchini ko`rgan odam hayron qolardi. O`ziyam bir gapirib, o`n kuladi. Xullas, uning ota uyidan uzoqlardagi hayoti boshlandi. Yoshlik havasiga berilgan qiz kelinlikka moslashishi ancha qiyin bo`ldi. Buning ustiga ota-onasi uzoqda. Ha deganda ular bilan ko`rishga olmasa. Xorazm qaydayu Samarqandning

ehkka bir qishlog`i qayda? Qaynonalari kelin qilib olib ketishgach, bir oy deganda bir kunga kelib ketishdi. Shundan so`ng bir yil deganda o`qish joyidan kuyov bilan keldi.

Havo issiq bo`lgani uchun kechqurun otasi bilan Murodga tashqaridagi so`riga joy qilib berishdi.

Qizi bilan yolg`iz qolgan ona uning ko`ngliga qo`l soldi.

— Dilnozjon, turmushing yaxshimi? Qaynona-qaynotang qanday odamlar ekan?

— Yaxshi, oyi, — u shunday deb zo`rma-zo`raki kulib qo`ydi-da, yerga qaradi.

Dilnozaning yuragidagi dardini onaning ko`ngli sezdi. Ammo oilasining sirini aytib o`rganmagani ma`qul, deb surishtirmay qo`ya qoldi.

Oradan yillar o`tdi. Dilnoza og`ir oyoqli bo`lib qoldi. Shu davrda “sariq”qa chalindi. Nihoyat, o`g`illi bo`ldi. O`zi esa tug`ruq stolida jon berdi... Keyinchalik ota-onasiga qizining borgan yerida nega tinchimagani ma`lum bo`ldi. Kuyov va qaynonasi, qayinsingillari unga ko`p azob berishgan, hatto o`qishini ham tashlashga majbur qilishgan. Oilada erkin o`sgan qiz bu zarbalarni ko`tara olmasdan, dardga chalinib, hayotdan bevaqt ko`z yumdi.

Bu gaplardan xabardor Feruza turmushga chiqish to`g`risidagi har qanday kishining fikrini rad etadigan bo`ldi. Opasining hayoti unga qattiq ta`sir qilgan edi. Qiz dam olish kunlari tugab, shaharga otlandi Dars tugagach, dugonalari bilan yotoqxonaga yo`l olishdi. So`ngra birga konsertga...

Endigina chorrahadan o`tishayotganda katta tezlikda kelayotgan “Tiko” Feruzani urib ketdi...

Dugonalari yig`lab yuborishdi. Axir, qiz qonga belangan, sumkachasi chetga otilib ketgan, o`zi esa bexush edi...

“Tiko”ning egasi qizlar yordamida Feruzani tezdan mashinaga yotqizib, kasalxonaga jo`nadi. Bemorni qabul qilib olgan shifokor chiqib, qizga qon quyish va bir qancha dori-darmon zarurligini aytdi.

— Men, men qon beraman, — dedi sarosima aralash ichkariga kirib kelgan yigit.

Qon guruhi to`g`ri kelmagach, u kerakli dorilarni topib kelish uchun shifoxonadan yugurib chiqib ketdi.

Muolajalar yordamida qiz tuzala boshladi. Yigit har kuni Feruzani ko`rishga kelar, uning yuz-ko`zlarida shundoqqina afsus-nadomat ko`rinib turardi. Bir kuni odatdagidek xabar olishga kelganida Feruza anchagina tuzalib qolganini ko`rib xursand bo`lib ketdi.

— Yaxshi bo`ldingizmi, Feruza?!

— Tuzukman.

— Meni kechiring, oldingizda gunohkorman.

— O`zimdanda ham ayb o`tdi. Yo`l qoidasiga amal qilmadim.

— Yo`q, men tez kelayotgan edim. Juda shoshilayotgandim.

Qaerliksiz, Feruza? — deb so`radi. So`ngra o`zining qishlog`i nomini eshitib, hayratda qoldi. Axir, bu qiz onasi uylantirmoqchi bo`lgan qiz-ku! U esa ko`nmay yuribdi. Sovchilarning borishiga ham qarshi bo`ldi. Eh, kalla. Shunday qizga uylangin, deyishsa, noz qilib yuribdi-ya!

Ikkovi ham bir-birining kimligini bilib olgandi. Feruza behush yotganida Farhodning qanchalik kuyib-pishib yurganini, hatto qon berishga tayyor bo`lganini dugonalaridan eshitgan, ko`nglida mehrga o`xshash iliq tuyg`u uyg`ongan edi.

Feruza shifoxonadan chiqqach, biror hafta o`tib unashtiruv bo`ldi. Ular baxtli hayot kechirishlariga shubha yo`q. Axir, mehr va insoniylik tuyg`ulari sinovdan o`tgan edi.

BOYLIK IZTIROBI

Eri tushkun kayfiyatda kirib keldi.

“Uf, bugun ham biror ish topolmaganga o`xshaydi. Hammasi jonimga tegib ketdi. Qachon uning omadi kelar ekan-a?”.

— Men, men qon beraman, — dedi sarosima aralash ichkariga kirib kelgan yigit.

Qon guruhi to`g`ri kelmagach, u kerakli dorilarni topib kelish uchun shifoxonadan yugurib chiqib ketdi.

Muolajalar yordamida qiz tuzala boshladi. Yigit har kuni Feruzani ko`rishga kelar, uning yuz-ko`zlarida shundoqqina afsus-nadomat ko`rinib turardi. Bir kuni odatdagidek xabar olishga kelganida Feruza anchagina tuzalib qolganini ko`rib xursand bo`lib ketdi.

— Yaxshi bo`ldingizmi, Feruza?!

— Tuzukman.

— Meni kechiring, oldingizda gunohkorman.

— O`zimdanda ham ayb o`tdi. Yo`l qoidasiga amal qilmadim.

— Yo`q, men tez kelayotgan edim. Juda shoshilayotgandim.

Qaerliksiz, Feruza? — deb so`radi. So`ngra o`zining qishlog`i nomini eshitib, hayratda qoldi. Axir, bu qiz onasi uylantirmoqchi bo`lgan qiz-ku! U esa ko`nmay yuribdi. Sovchilarning borishiga ham qarshi bo`ldi. Eh, kalla. Shunday qizga uylangin, deyishsa, noz qilib yuribdi-ya!

Ikkovi ham bir-birining kimligini bilib olgandi. Feruza behush yotganida Farhodning qanchalik kuyib-pishib yurganini, hatto qon berishga tayyor bo`lganini dugonalaridan eshitgan, ko`nglida mehrga o`xshash iliq tuyg`u uyg`ongan edi.

Feruza shifoxonadan chiqqach, biror hafta o`tib unashiruv bo`ldi. Ular baxtli hayot kechirishlariga shubha yo`q. Axir, mehr va insoniylik tuyg`ulari sinovdan o`tgan edi.

BOYLIK IZTIROBI

Eri tushkun kayfiyatda kirib keldi.

“Uf, bugun ham biror ish topolmaganga o`xshaydi. Hammasi jonimga tegib ketdi. Qachon uning omadi kelar ekan-a?”.

— Ha, namuncha shalvirab qaytdingiz? Bu yoqda bolalar sizga ishonib ochidan o`lishsinmi? Aslida sizga duch qilgan peshonam qursin! - Har doimgi diydiosini boshladi Xadicha. Xotining odatiga ko`nikib qolgan er xotirjam dedi:

— Biror hafta ichida chet elda ishlashga ketadiganlar bilan jo`nayman.

— Chetga erkaklar boradi-da, sizga yo`l bo`lsin! - Erining hamiyatiga tegdi xotini.

— O` xotin, ketsam, shu kuning ham yo`q! Nima, u tomonlarga borgan odamning qo`liga pul bosadigan mashinani berib qo`yishadimi? Eskilar uzoqdagi quyruqdan yaqindagi o`pka yaxshi, deb bekor aytishmagan. Shu yerda ham durustroq ish topib, nasibasini butun qilib yurganlar bor-ku. Faqat aql va sabr kerak.

— Sabr o`lsin, qachongacha sabr qilish mumkin! Sabrni qozonga solib, qaynatib bo`lmasa. O`zi azaldan lapashangsiz. Landovurga bahona ko`p.

Ketma-ket boshiga yog`ilayotgan ta`nalardan Shavkatning jahli chiqdi va qanday qilib xotining yuziga shapaloq tortib yuborganini bilmay qoldi.

— Voy-dod, o`ldirib qo`yadi! — Xadicha ovozi boricha baqira boshladi.

— Seni urmoqchi emasdim. O`zing shunga majbur qilding. Qo`y, pul uchun janjallashib, o`rtaga sovuqlik solmaylik. Sen yaxshi gap bilan meni qo`llab tursang, pul topish osonroq bo`ladi, onasi.

— Siz har doim shunday deb avraysiz. — Tarsakidan qizarib ketgan yuzini silagancha bu gal arazlagan ohangda gapirdi Xadicha. — Agar siz ishlashga qiziqmasangiz, men qo`shni ayollar bilan savdoga chiqaman.

— Qanaqa savdo?

— Anavi Oynisa tillafurushlikning orqasidan bosar-tusarini bilmay qolgan. Eriga shuning orqasidan mashina ham olib bergan.

— Qo`y, onasi, tinchgina o`tir. O`ozircha pulimiz yetib turibdi. Agar kamlik qilsa, sigirlardan birortasini sotarmiz.

— Sigirni sotasiz?! Bekorlarni aytibsiz. Yoniga qo`shishning o`rniga-ya! Shuhratjonning to`yi-chi? Uni nimangizga uylantirasiz? Hech narsaning tayini yo`g`u uni uylantarayapman, deb kerilgan emishsiz? Suv qurimasdan etik yechaverib, shu ahvolga keldingiz-ku!

— Bo`pti, bilganingni qilmaysanmi... O`zi sen bilan biror masalada murosaga kelganimni eslay olmayman, — deya Shavkat qo`l siltaganicha ichkari uyga kirib ketdi.

Xadicha o`ylay-o`ylay katta akasidan pul qarz olishga qaror qildi. Pulni qo`lga kiritgach, Oynisa bilan Buxorodan tilla taqinchoqlar olib kelish uchun jo`nab ketdi. Oynisa har doimgi joyidan unga ham turli taqinchoqlar olib berdi.

— Tilla savdosida juda ehtiyot bo`lish kerak, singlim, — dedi Oynisa qaytishda. — Ba`zilar nasiyaga olib, keyin qorasini ko`rsatmay ketishadi. Shunaqalarning domiga ilinib qolmaslikka harakat qiling. Katta tilla olmoqchi bo`lganlarni menga ro`para qiling, xo`pmi?

— Mayli, opajon, ishlarim yurishib ketsa, sizni butun oilamiz bilan alqaymiz.

Oradan ko`p o`tmay, oilaning moddiy ahvoli ancha yaxshilandi.

Kunlarning birida ko`proq mol bilan qaytgan Xadicha hali sotilmagan narsalarning foydasini chamalab, mamnun holda o`zida qoladigan pullarni hisoblab o`tirgan edi, ko`cha eshik taqilladi. Uyda yolg`iz bo`lgani uchun darvozani o`zi borib ochdi. Ostonada notanish bir ayol kulimsiraganicha turardi.

Salom-alikdan so`ng ayol o`zini tanishtirdi. Qo`shni tumandan ekan. Hozir yonida pul bilan kelibdi.

Yetganicha tilla taqinchoqlar olib ketmoqchi ekan. U bir million so`mlik zeb-ziynat oldi. Pulini esa shu zahoti chiqarib berdi. Bir haftadan keyin yana kelgan ayol Xadichaning ko`nglini ovlab, yana bir million so`mga savdo qilib ketdi. Xadicha taqinchoqlarni ulgurji sotganidan mamnun bo`ldi va xaridorni qo`ldan chiqarmaslik kerak, degan xulosaga keldi. Ayol uchinchi kelishida “opajon”lab Xadichaning ko`nglini

obdon eritgach, agar rozi bo'lsa, hozir nasiyaga olib ketib, pulining hammasini bir haftadan keyin berishini aytdi. Xadicha uning gaplariga laqqa ishonib, uyidagi uch million so'mlik tilla buyumlarni berib yubordi. Ularga erining tilla soatini ham qo'shdi. "Agar buni sotsa, boshqasini olib beraman", - deb o'yladi o'zicha. Ayol bir haftada kelaman, deb ketganicha, bir oy bo'ldiki, qorasini ko'rsatmadi. Xadichaning yegan-ichgani ichiga tushmay qoldi. Oxiri o'ylab-o'ylab Oynisaga maslahatga keldi. Ko'ngilsizlikni eshitgan Oynisa uni urishib berdi. Ishni boshlagan paytingizda men sizga nima degan edim? Mana shunday aldovlarga ro'para bo'lmaslik uchun ogohlantirgandim. Duch kelgan odamga ishonaverasizmi? Yana garovga biror buyum olmasdan-a?! Ikkalasi ayol aytgan manzilga - qo'shni tumanga borishdi. Darvozani bir erkak kishi ochdi.

— Kechirasiz, Gulnoraning uyi shumi?

— Bir vaqtlar shunday edi. Erkak ular nimaga kelishganini darrov sezdi. - Sizlarni ham aldab ketdimi? U hammani mana shunaqa qilib "tushirib" yuradi. Uyi ko'cha bo'lib qolgan. Undan olib, bunga berib, yolg'onchilikni kasb qilib olgan. Ko'rmaganimga ikki yilcha bo'lib qoldi. Kimdan nima olsa, mana shu uyning manzilini berib, bizlarning tinchimizni buzadi. Bir qo'lga tushmayapti-da, adabini berardim.

Bu gapdan so'ng Xadicha "Qaerda bo'lishi mumkin?" — deganicha yerga o'tirib qoldi.

Oradan oylar o'tdi. Yangasi qarzlarni qistalang qila boshladi. Endi qarindoshlar orasida pul mojarosi boshlanib ketdi...

SIRTLON

— Bir kecha ming kecha bo'larmidi. Yotib qolaver, tong otganda ketasan.

— Uydagilarga qaytaman, deb kelganman. Bitta yaxshi fotiha o'qib, joyimizdan turaylik.

— Ko'nglim alag'da-da. Yo'ling tog'lar orasida. Bo'rilar ayni izg'iydigan payt, iltimos, qol!

— Xotinimning vahimachiligini bilasan-ku, jo`ra.

Iltijolari samara bermagan mezbbon uydan chiqayotganlarida choponi bariga osilgan uch yashar o`g`ilchasini ayolining “hay-hay”lashiga qaramay qalin kiyintirib, o`rab-chirmab, eshagiga mindi-da, do`stini qishloq adog`igacha kuzatib keldi.

Ular quyuq xayrlashdilar. Bu yog`iga yo`lga yolg`iz tushgan Dilmurod otiga qamchi urar ekan, hali oldinda o`zini taqdirning ne sinoatlari kutib turganini bilmas edi.

Ot asta-sekin ikki qishloqni bog`lovchi tog` dovoni orasiga kirib borardi. Cho`nqaymishga ko`p bor kelganidan Sadafning o`zi yo`lni bilib qolgan. Jonivorning faqat yelkasidagi yoliyu dum va quloqlari uchidagi qora chilvirlarini demasa, butun tanasi oppoqligi bois Dilmurod unga “Sadaf” deb nom bergan. Ko`p yurdi.

Ustida qalin po`stini bo`lsa-da, tanasidan sovuq o`ta boshladi. Uydan chiqqanida sovuqni pisand qilmagan Dilmurod “Bemavrid chiqdimmikan?” degan pushaymonga bora boshladi. Haligina issiq sandalda o`tirganida uzoq yo`l pisand qilishga arzimaydigandek tuyulgan edi. Endi esa qalin qor, sovuq, adoqsiz yo`ldan charchadi. Bir yoniga qiyshayib o`sgan tanish katta tut daraxtni ko`rgach, Tolli qishlog`iga yaqinlashib qolganini sezdi. Ot bezovta bo`ldi. Boshini keskin chayqab, qattiq pishqirdi. Ko`zlari yonib, yaqinlashib kelayotgan bo`rilar galasini ko`rib, yuragi “shiqillab” ketdi. Dilmurod tezda yon-atrofga ko`z yugurtirdi. Qochishning iloji yo`q. Shu tob yonboshidagi daraxtga qarab xayoliga bir fikr keldi. Otini daraxtga o`nglab bordi-da, tirmashib chiqib oldi. Bo`rilar galasi shuni kutib turgandek otni bir pasda o`rab oldi. Ot old oyoqlarini ko`tarib, ikki orqa oyog`ini yerga qattiq tiragancha bo`rilarga qarshilik ko`rsata boshladi. Lekin vaxshiylarning o`tkir tishiyu tirnoqlaridan omon qolmadi. Bir pasda homtalash bo`lib ketdi. Bu dahshat shunchalik tez ro`y berdiki, yigit karaxt bo`lib qoldi. Bo`rilar otni to`yguncha yeyishdi.

— Endi daf bo`lishar, — deb o`yladi otiga joni achishib Dilmurod. Ammo u adashgan edi. Bo`rilar endi g`ayrioddiy

— Xotinimning vahimachiligini bil
Itijolari samara bermagan turod itning egasiga
chiqayotganlarida choponi bariga voqealarning sirini
o'g'ilchasini ayolining "hay-hay" la'yi, kim bor?" — deb
kiyintirib, o'rab-chirmab, eshagiga m'qattiq xuridi. Ichkaridan
adog'igacha kuzatib keldi. Irgan uy egasi chiqib keldi.

Ular quyuuq xayrlashdilar. Bu yog'rgan notanish mehmonni
Dilmurod otiga qamchi urar eka'iyga taklif qildi.
taqdirning ne sinoatlari kutib turgar' mehmonning rang-ro'yi

Ot asta-sekin ikki qishloqni bog'lab ko'ngilsizlik bo'lganini
kirib borardi. Cho'nqaymishga ko'p'ib, qisqa salom-alik va
o'zi yo'lni bilib qolgan. Jonivorning faq'muz tikildi. U bo'lgan
va quloqlari uchidagi qora chilvirlarini den'ning sirini so'radi.
bois Dilmurod unga "Sadaf" deb nom' n qolganiga shukr qiling.

Ustida qalin po'stini bo'lsa-da, tar' o'turganingizdek, uyim
Uydan chiqqanida sovuqni pisand qil'edi.
chiqdimmikan?" degan pushaymon' edi.

sandalda o'tirganida uzoq yo'l pi'yaqinlashtirmasdi. Urg'ochi
tuyulgan edi. Endi esa qalin qor, Baxmal - Sirtlonning onasi.
Bir yoniga qiyshayib o'sgan t'ham tarixi bor.

Tolli qishlog'iga yaqinlashib boshlagan paytlarimda ketma-
Boshini keskin chayqat' Ancha qo'ydan ajraldim. Shunda
yaqinlashib kelayotgan'ladim: "Bo'rilar ni faqatgina bo'ri

ketdi. Dilmurod tez'ion yengadi. Bu it shunaqa itki, onadan
iloji yo'q. Shu to'g' Barmoq panjalari oltita bo'lib,
keldi. Otini q' Bo'rilar galasi sezishadi va uni o'ldirib ketish

Bo'rilar ga'non qolsa, bir yoshdan keyin u bo'rilar ni qiyrata
old oyc'... Shu gaplarni eslab, bor-e, nima bo'lsa bo'lar,
bo'jim-da, ayni itlar juftlashadigan paytda Baxmalni olib

tog'lar orasiga qarab jo'nadim. Odam qadami kamdan-kam
yetadigan joyga olib borib daraxtga arqonini chirmab bog'lab
umidlarini uzib ketishdi.

— Xotinimning vahimachiligini bil
Iltijolari samara bermagan Murod itning egasig
chiqayotganlarida choponi bariga voqealarning sirini
o'g'ilchasini ayolining "hay-hay" laqabiy, kim bor?" — de
kiyintirib, o'rab-chirmab, eshagiga m' qattiq xuridi. Ichkaridan
adog'igacha kuzatib keldi. Murod uy egasi chiqib keldi.

Ular quyuv xayrlashdilar. Bu yog'igan notanish mehmon
Dilmurod otiga qamchi urar ekan, unga taklif qildi.
taqdirning ne sinoatlari kutib turgan mehmonning rang-ro'y
Ot asta-sekin ikki qishloqni bog'lab ko'ngilsizlik bo'lganini
k'irib borardi. Cho'nqaymishga ko'p lab, qisqa salom-alik va
o'zi yo'lni bilib qolgan. Jonivoming faq'at muz tikildi. U bo'lgan
va quloqlari uchidagi qora chilvirlarini den, ning sirini so'radi.
bois Dilmurod unga "Sadaf" deb nomlan qolganiga shukr qiling.

Ustida qalin po'stini bo'lsa-da, tarqat turganingizdek, uyim
Uydan chiqqanida sovuqni pisand qila kelsak, u asli bo'rilar
chiqdimmikan?" degan pushaymon edi.

sandalda o'tirganida uzoq yo'l piyaqinlashtirmasdi. Urg'ochi
tuyulgan edi. Endi esa qalin qor, Baxmal - Sirtlonning onasi.
Bir yoniga qiyshayib o'sgan t' boshlagan paytlarimda ketma-

Tolli qishlog'iga yaqinlashib, Ancha qo'ydan ajraldim. Shunda
Boshini keskin chayqab, ladim: "Bo'rilar faqatgina bo'ri

yaqinlashib kelayotgan, on yengadi. Bu it shunaqa itki, onadan
ketdi. Dilmurod tez, Barmoq panjalari oltita bo'lib,
iloji yo'q. Shu to' bo'rilar galasi sezishadi va uni o'ldirib ketish

keladi. Otini silar. Agar shu vaqt ichida kuchuk bolaning baxti
Bo'rilar ga, non qolsa, bir yoshdan keyin u bo'rilar qiyrata

olqoydi..." Shu gaplarni eslab, bor-e, nima bo'lsa bo'lar,
bo'im-da, ayni itlar juftlashadigan paytda Baxmalni olib

tog'lar orasiga qarab jo'nadim. Odam qadami kamdan-kam
yetaadigan joyga olib borib daraxtga arqonini chirmab bog'lab
um'edlarini uzib ketishdi.

МУНДАРИЖА

Сулув	3
Илон ўчи	5
Ёришган юрак	11
Бойлик изтироби	15
Сиртлон	18
Кўнгилдаги хавотирлар	22
Аёллар гурунги	23
Меҳр дарси	25

MUNDARIJA

Suluv	29
Ilon o`chi	31
Yorishgan yurak	37
Boylik iztirobi	40
Sirtlon	43

Муҳаббат Равшанова

ИЛОН ЎЧИ

Ҳикоялар

Муҳаррир:

Даврон ҚОСИМОВ

Техник муҳаррир:

Давлат АРАБШОЕВ

Мусахҳиҳ:

Азиз ЎЛМАСОВ

Босишга рухсат этилди: 02.08.2007 й.

Қоғоз бичими 62x84 1/16. Босма табоғи 3/0.

Наشريёти ҳисоби: 3,4. Адади 1000 нусха.

№2/113 сонли буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОАЖ «ITM» босмаҳонасининг компьютер
марказида саҳифаланди ва чоп этилди.

Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

1200-00

84(54)
P139



Равшанова Муҳаббат Бердимуродовна Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Жом қишлоғида туғилган.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида таҳсил олган. Вилоят «Маърифат нури» газетаси муҳаррири ўринбосари вазифасида ишлаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг нашри — «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.